

---

## «Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз!»

«Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз!» шиори остида маданий-маърифий тарғибот тадбири Данғара тумани Каттатурк МФЙда жойлашган маданият марказида бўлиб ўтди. Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, таникли олимлар, шоир ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

«Маърифат» тарғиботчилари томонидан маҳаллаларда аҳоли ва ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва уларга бўлган ҳурматни шакллантириш борасида тавсиялар бериб ўтилди.

Шунингдек, мазкур тадбирда ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги роли ва масъулияти ҳақида ҳам кенгроқ тушунчалар берилди. Маънавият ва маърифат маркази хонандалари ҳам ўзларининг миллий куй-қўшиқлари билан тадбирга ўзгача кўтаринки руҳ бағишладилар.

---

2024-03-18 13:19:34